(Маскавдаги драм истудиямизнинг бу йилги ишларидан)

— Юсуфжон акам сахнада!

— Машхур кизигимиз Юсуфжон ака Москвага келибдирда бирор сахнада кизиклик килибдир. 1923 йилда бўлиб ўткан бутун иттифок дехкончилик кўргазмасига аралошкон Юсуфжон акам ўшанда Маскав сахнасига (тўгриси: майдонига) бир кур чиккон эди. Демак, бу янгилик бўлмайди. Янгилик шундадирким, бу чоккача кизик сифатида сахна ва майдонларга чикиб келган Юсуфжон ака, бу йил Маскав сахнасига (сахнасига!) мухаррир, ёзгувчи, фожеъанавис сифатида чикди. Бу кунги сухбатимиз ана ўша тўгрисида.

Юсуфжон акамнинг хар каерда неча йиллардан бери айтиб келган бир кулги хикояси бор. Унда, бир имом домланинг — номоз вактида галати хийла килиб махалладан икки йиллик хаккини ундириб олгонлиги айтилади. Юсуфжон аканинг сўзлашида бир неча огиздан ошмагон бу хикоя, мазмун ва мавзуи жихатидан кизик ва бойдир. Бу хикоянинг «авжи жойи» галати бир «кўркинч» (трюк)ни кўрсатади. Режани яхши чизиб, уни бир адабий хикояга айлантирганда гўзал нарса чикар эди. Мен шундай киларман деб ўйлаб юрар эдим.

Шу йилги ўкиш мавсумида Маскав драм истудияси, машхур Мейерхулд театри актурларидан ўрток Свердлинга, бир мустакил асарнинг «тузма» (постановка (Ч.) сини топширмокчи бўлди. Таржима асарлар етарли бўлмогонлигидан асл (оригинал) асар кўймокчи эдилар. Ўрток Свердлин, истудиянинг кўрсатиши бўйинча, менга йўликди. Мен унга Юсуфжон акам хикоясининг кискагина мазмунини айтиб бериб эдим, маъкул бўлди ва боши-кетига кўринишлар кўшиб тезлик билан ёзиб беришга буюрди. Ана шу билан «Яна уйланаман!» деган — 3 парда 7 кўринишли асар майдонга чикди.

Шу йил апрсль ойида ўша асар Маскавда кўпчиликка кўрсатилди. Бутун нттифок шўролар курултойига келган кийматли вакилларимиз хам керакли бўлакларини кўрдилар. Келгуси киш мансумида асар Ўзбекистон пойтахтида кўрсатилса керак.

Асарнинг «катта машки» (генерал репетитсияси)ни кўрган ўрток Февралский (марказий «Правда» газетасининг театршунос мухаррири) «Правда»нинг 92 нчи сонида унинг тузмаси тўгрисида мана бундай дейди: тузмачи Л. Свердлин, испектаклда Оврупо ва ўзбек театрчилигидаги[1] унсурларни бирга тўплагон. Яъни: бир томондан Шаркка хос кизик харакатлар берган, испектаклни ракс, ашула ва чолгилар (танбур, дутор, чилдирма, ногора, карнай ва бошкалар) билан тўлгизгон: иккинчи томондан Шарк халкининг ўлтириб гаплаша беришдаги «зерикдириш» таъсирларидан испектаклни куткаргон. Лекин, гаплаша бериш ва секин кимирлашдан кочилгон вактда албатта, жуда ихтиёт билан кочилгон: Шаркка хос у ахволнинг тасвирлари хали хам испектаклда бор. Ўрток Свердлин, ўзбек турмуши билан ошналиги оркасида, турмушнинг энг кизик онларидан бир неча парчалар кўрсаткан (мачит олдидаги кўча, бойни хадим килиш, тўй каби), сўнгра ёшларни эски урфлардан йироклаша боргонини кесатиб ўткан.

Испектакл, режиссурлик жихатидан карагонда, эслилик билан, кизик килиниб ва шу билан бирга кўпчиликка онглашиларлик равишда кўйилгон. Сахнанинг ясалиши шартли (условно) ва содда (хаммаси бўлиб 130 сўм кетган)».

Ўрток Февралский, испектаклга аралашкон актурларга айрим-айрим тўктамасдан, умумий суратда мана бу бир неча огиз гапни айтиб ўтади:

«Ёш актурлар жуда кизикиб ўйнайдирлар; зўр кобилиятлари бўлгон бир неча актурларни кўргандан кейин, Шаркнинг халк оммалари орасида кандай бой артистлик кучлари бўлгонлигини кўрасан».

Ўзбекистонда сахна кўрмасдан туриб, асар ва унинг тизмаси тўгрисида бундан ортик гапириб бўлмайди. Бу ерда шунигина айтиб ўтиш лозимдирким, ўзбек театри — хали ёш ва бола бўлишига карамасдан — турли театр маслаклари билан амалий танишишда кенг йўл билан бормокдадир. Маскав, драм истудияси, бу ернинг театр оламига галвалар солгон бир галати оким — Мейерхулд окимини — ўз турмушига олиб кўрсатмак билан, кизик бир тажриба ясайди. У окимнинг биздаги йўксуллар оммасига кандай таъсир килиш, ёкиб-ёкмаслиги, шу йил кишда англашиладиргон «сирлар»дан. Кўклам келди, ёз навбатда. Истудия ўктабрнинг ўн йиллик тўйида чинакам сахна кўрадургон бу асарининг «мирзоси» (мухаррири демайман!) Юсуфжон акага, тузмачи Свердлинга, режиссур-кўмакчи Лутфулла, чолги рахбари Мирўнуф, суратчи Ефиминко ўртокларга ўзининг миннатдорчилигини билдиради.

[1] Бундаги «театрчилик» харакатларнинг турмуш конунларига эмас, театр конунларига мувофик келиши маъносидадир.

Яна уйланаман — «Ер юзи» журнали, 1927 йил 23-сон.

Юсуфжон ака — Юсуфжон кизик Шакаржонов (1869 — 1959), машхур кизикчи, ўзбек халкининг ардокли санъаткори, Ўзбекистон ССР халк артисти.

Свердлин Лев Наумович (1901—1969) — рус актёри, СССР халк артисти. В. Мейерхольд шогирди. 1924—1931 йилларда Москвадаги ўзбек давлат драмстудиясида театр санъати сирларидан сабок берган.